

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРИШ ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Юсунова Раҳима

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
“Маданият ва санъат менежменти” кафедраси в.б. доценти
Телефон: + 998 97 403 01 18

rkasymovna@mail.ru

Зоҳид Жуманазаров

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
1-курс талабаси

Аннотация: Янги Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашда Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан бевосита боғлиқ. Конституциянинг кадрлар тайёрлаш йўналишларини қамраб олган боб ва моддаларида сезиларли ўзгаришлар қилинганлиги, мақолада тўлиқ очиқ берилди. Мақола давомида Янги Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимида қўлланилаётган янги ёндашувлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, кадрлар тайёрлаш, Конституция, ўзгариш, қўшимчалар, санъат, модда, ўқитувчи, ходимлар, қўшимча вазифалар.

Аннотация: Это напрямую связано с изменениями и дополнениями, внесенными в Конституцию в сфере подготовки кадров в Новом Узбекистане. В статье полностью раскрыто, что в главы и статьи Конституции, касающиеся подготовки кадров, внесены существенные изменения. В статье анализируются новые подходы, используемые в системе подготовки кадров в Новом Узбекистане.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, подготовка кадров, Конституция, изменение, дополнения, статья, содержание, педагог, работники, дополнительные задачи.

Annotation: It is directly related to the changes and additions made to the Constitution in training personnel in New Uzbekistan. The article fully disclosed that significant changes were made in the chapters and articles of the Constitution covering personnel training. The article analyzes the new approaches used in personnel training system in New Uzbekistan.

Key words: New Uzbekistan, personnel training, Constitution, change, additions, art, substance, teacher, employees, additional duties.

Ҳозирги кунда етакчи мамлакатлар кадрлар тайёрлаш сиёсатида етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг энг самарали шакллари, воситалари Конституцияда киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилмоқда. Ҳар қандай мамлакат қудратини шу минтақада шаклланаётган етук кадрлар салоҳияти белгилаб беради.

Шу ўринда Конституцияда киритилган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтсак; энди кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаси ўқитувчиси пахтага ёки кўча тозалаш ва бошқа ишларга ҳеч кимни мажбур қила олмайди, болаларни дарсдан чиқариб, бошқа ишларга жалб этишга журъат эта олмайди — мажбурий ва болалар меҳнати қатъий тақиқланмоқда (44-модда);

Шунингдек энди фарзандимизга боғча тополмайдиган вазият ёки олий таълимга давлат грантлари қисқариб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи ортида қолмоқда — давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, мактабгача таълим ва тарбия давлат назоратида эканлиги, фуқаролар танлов асосида бепул олий маълумот олишга ҳақлилиги аниқ белгилаб қўйилмоқда (50 ва 51-моддалар);

Бундан ташқари энди ҳар қандай идора ёки ҳокимлик олий таълим ташкилотлари ишига аралаша олмайди — олий таълим ташкилотлари академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эгалиги муҳрланмоқда (51-модда)¹;

Тарихдан маълумки, кўпгина давлатларда Конституция қабул қилишда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Конституциявий комиссия бу сафар янгича йўлдан бориб, аввал халқимизнинг фикри, таклифлари ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди. 2022 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашди ва Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида тўхталиб, жумладан кадрлар тайёрлаш масаласини долзарблигини алоҳида эътибор қаратган эди. Ўзбекистон тарихида ягона муаллифи ва манбаи

¹ Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституцияси. // Халқ сўзи, 2023 йил, 2 май сони.

бевосита халқ бўлган, халқни ўзи имзо чекадиган биринчи Конституция шу бўлади, у давлат раҳбари томонидан имзоланмайди.

2023 йил 1 майда қабул қилинган Янги Конституцияда ҳақиқатан ҳам, кадрлар тайёрлаш масаласи жумладан ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олинган. Хусусан, кадрлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб яшашини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, давлат кадрларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши, кадрларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши, ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эгаллиги, ҳар бир кадрнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинishi, давлат кадрларнинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши шулар жумласидандир.

Бизнинг назаримизда давлат ёш кадрларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг таълим олиш, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгиланмоқда. Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёл кадрларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши мустаҳкамланганлиги нақадар муҳим йўналишлар қамраб олинганлигини кўрсатиб турибди.

Жадид боболаримиздан Маҳмудхўжа Бехбудий ўз асарларида “Ҳар бир миллат, энг аввал макотиби ибтидоиясини замонча ислоҳ этиб, кўпайтирмагунча тараққий йўлига кируб, маданиятдан фойдаланмас” деган ғояни илгари сурган эди. Янгиланган Конституциянинг энг муҳим жиҳатларидан бири илм-фанни, таълимни ривожлантиришга хизмат қилувчи кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор берилгани билан изоҳланади. Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб икки баравар кўпайди. “Таълим” деган сўзнинг ўзи 20 марта қўлланиляпти, амалдаги Конституциямизда фақат 2 мартагина ишлатилган эди холос. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим

ташкilotлари ривожланишини таъминлаши, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мустаҳкамланди².

Сингапурнинг собиқ бош вазири Ли Куан Ю айтган экан, “мен фақат Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, давлат бюджетини таълим соҳасида кадрлар тайёрлашга йўналтирдим, муаллимни энг қуйи табақадан Сингапурдаги энг юқори мартабага кўтардим. Давлатдаги мўъжизаларни амалга оширган инсонлар муаллим кадрлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтарин авлодни етиштириб чиқардилар”. Шу маънода янгиланган Конституциямизда ўқитувчи кадрнинг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилаётганлиги, давлат ўқитувчи кадрларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши конституциявий кафолатланаётганлиги тараққиётимизнинг асосини ташкил этади. Шунингдек, Конституцияда давлат бепул бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши белгиланди. Таълим ташкilotларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши мустаҳкамланди.

Янгиланган Конституцияга асосан давлат органлари томонидан кадрларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш кафолатланди. Давлат органларининг кадрлар билан ўзаро муносабатларида юзага келадиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. Ҳар бир кадр давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгаллиги конституциявий кафолатланди.

Шу ўринда бир мулоҳазага этиборни қаратсак. Бизни миллий ғурур ва миллий ифтихори бор ҳар бир соҳанинг етук кадрлари бирлаштириб туради, бизни уларнинг ҳам яхши куни, ҳам қайғуси бирлаштириб туради. Таҳликали, мураккаб замонда яшамокдамиз, атроф нотинч, айрилганни айиқ ер,

² Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституцияси. // Халқ сўзи, 2023 йил, 2 май сони.

бўлинганни бўри ер деб халқимиз бежизга айтмаган. Бу жиҳатдан, умумий ва индивидуал тажрибалар қай йўсинда тадқиқ қилинаёпти, шу соҳадаги миллий мерос ва кадриятларни ҳозирги давр билан боғлаш, етук кадрлар тайёрлаш масаласи, барча соҳаларда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир назариялар, мавзуга хос тушунчаларни илмий-назарий кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда ривожланган мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ тажрибаларини ўрганиш, таҳлил этиш, мақбул жиҳатларини миллий таълим тизимига жорий этиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш, янгиланган Конституцияда давлатимизнинг янги ва демократик тамойиллар асосида кадрлар тайёрлаш технологиялари, механизмлари, услубларига оид тажрибаларни такомиллаштириб бориш ҳам аниқ ва яққол очиб берилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев, "...кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт" -деб таъкидлаганлиги ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжудлигини билдиради.

Давлатимиз раҳбарининг, "..Ўзбекистон илми-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиш шарт"³ - дея таъкидлаганидан кўриниб турибдики, етук кадрларга эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг кейинги йилларида ривожланишнинг шиддатли тус олаётгани ва юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган ўлкан ислохотлар даврида етук кадрлар тайёрлаш тизимида халқаро тажрибалар билан бир қаторда миллий маданий хусусиятлардан келиб чиқиб ёндашишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бугун халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, бўлажак ҳар бир кадрнинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли комил инсонларни шакллантириш, уларни юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишларига томошабин эмас, фаол иштирокчиси бўлишга даъват этиш эҳтиёжи, ўз навбатида фидойилик, замонавий билимларга

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017, - 12 б.

чанқоқлик ҳиссини юксалтириш хусусиятларини алоҳида тадқиқ этиш зарурати туғдиради.

Маълумки, Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон давлати фаолиятининг энг устувор стратегик йуналишларидан бири баркамол авлодни тарбиялашда кадрлар тайёрлаш масаласи алоҳида эътироф этилди. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг уз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини руёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI-аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш бу борадаги фаолиятнинг стратегик мақсади ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир нутқида юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришда барчамизнинг шижоатли меҳнатимиз, ҳаракатимизга боғлиқ деган фикрни илгари сурадилар. Биз бугун ҳаётимизнинг ва истиқболимизнинг қайси йўналиши ҳақида гапирмайлик, ҳамма нарса кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади. Бу масалани ижобий ҳал этмасдан туриб, амалда олдимизга қўйган стратегик мақсадларимизга эришиб бўлмайди. Қолаверса, барчамиз не-не орзу ниятлар билан Референдум орқали овоз бериб тасдиқлаганимиз Янги Конституцияда етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг олдинги ва ҳозирги даври билан ўзаро солиштириш, таҳлил қилиш, самарали усул ва муқобил ечимларни ишлаб чиқиш орқалигина амалга оширилади. Бунда кадрлар тайёрлаш соҳасида фаолият олиб бораётган раҳбарлардан тортиб, кичик ходимгача ўз вазифасини сидқидилдан бажариш йўлида шижоат кўрсатишни талаб этади.

Янги қабул қилинган Конституцияда кадрлар тайёрлаш тизимида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар соҳада кўзга ташланаётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Етук кадрлар тайёрлаш ҳар доим ҳам доимо ҳаракатда бўлган динамик жараён бўлиб, у уч жиҳатни ўз ичига олади. Тўлиқроқ айтганда, у ўзида билиш, баҳолаш, ҳулқ-атвор нуқтаи-назарларини бирлаштиради. Ушбу томонларнинг ўзи ҳам ўз навбатида бир неча босқичлардан иборат. Чунончи, етук мутахассис кадрлар билиш босқичи

4 М.И.Рахматиллаева, Д.Ю.Исмаилова Ёшлар тарбиясининг миллий-маънавий хусусиятлари ва истиқболлари. "XXI аср - интеллектуал ёшлар асри" Республика илмий ва илмий-техник анжуман материаллари (2023 йил 30 март). Тошкент: ЎзР ФА, 2023. 208 б.

Ўзида билимлар, ислохотлардан хабардорлик, онглилик каби сифатларни мужассамлаштирса, баҳолаш босқичи мулоҳазалар, кадриятлар, нормалардан ташкил топади. Хулқ-атвор босқичи етук кадрлар тайёрлашда ижтимоийлик дастурларда асосан амалга ошириладиган фаоллик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналмилалчилик, миллатлараро муносабатлар каби хусусиятларни ўзида мужассам қилади.

Шунингдек Янги Конституцияда кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўзгаришлар доирасида уч асосий парадигмага эътибор қаратиш лозим:

1. Етук мутахассис кадрлар - ҳокимият ва тузум, ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг асосини белгиловчи ғоялар, қарашлар, меъёрлар ва қоидалар, давлат тузилиши ва унинг сиёсий тизимини барқарорлаштиришда, турли сиёсий муаммоларни ҳал этишда илмий мушоҳадалари билан ёндошмоқликлари зарур.

2. Етук мутахассис кадрлар маданиятининг хулқ-атвор жиҳати энг аввало, ижтимоий-сиёсий фаолликни ўз ичига олади. Ижтимоий-маданий фаоллик бўлмас экан, мутахассис маданияти ҳам шаклланмайди.

3. Ҳар томонлама баркамол кадрни шакллантириш жараёнини жадаллаштиришда анъаналар яъни бир авлод эришган ютуқларни ўзида сақлаб қолади, бойитади ва иккинчи авлодга етказди. Кадрлар тизимини шакллантириш ва уларни қайта тайёрлаш механизми изчиллиги даврий кўникмалар асосида давом эттирилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда Янги Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўзгаришлардан биз япон мўъжизаси, корейс табиати каби иқтисодий ўсиш намуналарини кутаётган эканмиз, аввало кадрлар қалбида миллат тафаккурини тубдан тараққий эттиришга асосий урғу беришимиз лозимлигини даврнинг ўзи тоқозо қилмоқда. Юртимизда кадрлар тайёрлаш соҳасида Янги Конституциядан келиб чиқиб соҳа олдидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича стратегик ечимлар босқичма-босқич ишлаб чиқаришга жорий этилиши бошлаб юборилди. Асосийси, кадрлар тайёрлашда қарашларимизни ҳам ўзгартириш, қолаверса, ўсиб келаётган авлод онгида "шу ватан, шу юрт равнақи учун барчамиз

5 Б.Умурзаков, Г.Абдурахманова, С.Холмуратов. Корхонада кадрлар сиёсати. Тошкент. ТошДИУ. 2023. - 190 б.

масъул" деган ғоя остида бирлашиш, жипслашишни тарғиб қилиш орқали биз кўзлаган мақсадларимизга етишимиз шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституцияси. // Халқ сўзи, 2023 йил, 2 май сони.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017, - 12 б.
3. М.И.Рахматиллаева, Д.Ю.Исмаилова Ёшлар тарбиясининг миллий-маънавий хусусиятлари ва истикболлари. "XXI аср - интеллектуал ёшлар асри" Республика илмий ва илмий-техник анжуман материаллари (2023 йил 30 март). Тошкент: ЎЗР ФА, 2023. 208 б.
4. Б.Умурзаков, Г.Абдурахманова, С.Холмуратов. Корхонада кадрлар сиёсати. Тошкент. ТошДИУ. 2023. - 190 б.
5. Ашурова Ф. Ходимлар билан ишлашда кўл келувчи 4 маслаҳат. Қаранг: <https://www.norma.uz/>
6. <https://www.gazeta.uz/oz/2022/06/23/digitalization/>
7. Бекберганава М. Ташкилотда кадрларни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш. Тошкент-2023. ЎЗМУ.